# Давра суҳбатида эзгу ғоялар илгари сурилди

Унда ходимларга диний ақидапарастлик ва унинг салбий оқибатлари, шунингдек, диний мутаассиблик ва шукроналик юзасидан тушунчалар берилди. Қолаверса, огоҳлик – давр талаби эканлиги таъкидланиб, турли ёт ғоялардан сақланиш лозимлиги билдирилди. Шунингдек, давра суҳбатида муқаддас ислом дини, Қуръони карим ва Пайғамбаримиз ҳадисларида коррупция, пора олди-бердиси, бировнинг ҳақига хиёнат қилиш каби иллатлар қаттиқ қоралангани ҳақида сўз юритилди.